

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMACISINING
ҚАРОРИ

**706 Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни
бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ва ҳудудий
комиссиялар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги ПФ–5066-сон Фармони бажариш юзасидан, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларига самарали раҳбарликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

икки ой муддатда комиссиялар йиғилишларини ўтказсинлар ва уларнинг 2017 йил охиригача бўлган иш режаларини тасдиқласинлар;

ҳар ойда кейинги ойнинг 10-кунигача Ҳукумат комиссиясининг ишчи органига унинг қарорлари бажарилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июль,
525-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 525-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Комиссия шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланадиган коллегиял орган ҳисобланади.

3. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Комиссия ўз фаолиятида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва уларнинг таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссияларининг фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради.

2-боб. Комиссиянинг вазифалари

6. Қуйидагилар Комиссиянинг вазифалари ҳисобланади:

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини (кейинги ўринларда ФВДТ деб аталади) такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг вазифаларини белгилаш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга

қаратилган фуқаро муҳофазаси (баҳор мавсумида) ҳамда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (куз мавсумида) ойлигини ташкил этиш ва ҳар йили ўтказиш;

авариялар, ҳалокатлар, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқароларни, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

молиявий ва моддий ресурслар давлат захиралари ташкил этилишини таъминлаш, шунингдек улардан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаш.

Комиссия ва унинг аъзолари уларга юкланган вазифалар бажарилиши учун белгиланган тартибда жавоб берадилар.

3-боб. Комиссиянинг функциялари

7. Комиссия юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ФВДТ фаолиятини янада такомиллаштириш борасида таклифларни ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

фавқулодда вазиятлар содир бўлиши прогнозларини кўриб чиқади, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасидаги мақсадли ва илмий-техник дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

фуқаро муҳофазаси, шунингдек аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган ойлик тадбирлар доирасида аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган комплекс тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва ФВДТга киритилган бошқа ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасидаги асосий тадбирлар бажарилиши тўғрисида ҳисоботларини эшитади;

Республика фуқаро муҳофазаси бошлиғига белгиланган тартибда кириштиш мақсадида аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш борасида ФВДТнинг асосий тадбирлари режаси лойиҳаларини, таҳлилий материалларни кўриб чиқади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бора-

сида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ФВДТнинг куч ва воситаларини белгиланган тартибда жалб этиш масалаларини кўриб чиқади;

таклифларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади, авариялар, ҳалокатлар, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқароларни, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш чоралари вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ва ташкилотлар томонидан бажарилишини мувофиқлаштиради;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида молиявий ва моддий ресурсларнинг давлат захираларини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

мурувват ёрдамини шакллантириш ва етказиб бериш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва уларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

4-боб. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Комиссия:

белгиланган тартибда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва бошқа ташкилотларга фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалалари бўйича топшириқлар бериш, ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур ахборотни сўраш;

Комиссия йиғилишларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида бажарувчиларнинг ҳисоботларини эшитиш;

Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

9. Комиссия унга юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тизимли мониторинги олиб борилишини таъминлашга;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этиш чора-тадбирларини режалаштиришга ва уларнинг амалга оширилишини таъминлашга;

авариялар, ҳалокатлар, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқароларни, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқа-

руви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик ва амалий ёрдам беришга; молиявий ва моддий ресурсларнинг давлат захираларини барпо этиш ишини ташкил этишга мажбурдир.

5-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

10. Комиссияга Раис бошчилик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

Комиссия йиғилишлари кун тартибини белгилаш ва чақириш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

Комиссия аъзоларининг уларга юкланган вазифалар бажарилиши бўйича ишини мувофиқлаштириш;

Комиссиянинг самарали ишлаши самарадорлигини таъминлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

11. Комиссия ўз фаолиятини доимий асосда Комиссия йиғилишида кўриб чиқилган ва Раис томонидан тасдиқланган йиллик режага мувофиқ амалга оширади.

12. Комиссия йиғилишлари заруратга кўра, бироқ бир йилда камида бир марта ўтказилади ва йиғилиш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

13. Зарурат бўлганда Комиссиянинг сайёр йиғилишлари ташкил этилиши мумкин.

14. Комиссия ҳар йили бўлажак йилда Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш бўйича асосий тадбирлар режаси ишлаб чиқишини ташкил этади, ўз йиғилишида кўриб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғига киритади.

15. Фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг реал хавфи туғилганда Комиссия Раиси томонидан навбатдан ташқари йиғилишлар чақирилиши мумкин.

16. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш соҳасидаги тадбирлар бажарилиши ҳолатини назорат қилиш учун зарурат бўлганда Комиссия томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

17. Комиссия йиғилишини Раис олиб боради, у йўқлигида йиғилишни унинг ўринбосари олиб боради. Комиссия йиғилиши, агар унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади.

18. Комиссия Раиси билан келишилган ҳолда йиғилишда ҳолисона сабабларга кўра қатнаша олмайдиган аъзолар ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари қатнашиши мумкин.

6-боб. Комиссиянинг ишчи органи ва котиби

19. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

20. Комиссиянинг ишчи органи:

келгуси йилга Комиссиянинг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди;

Комиссиянинг навбатдаги йиғилишига барча ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Комиссиянинг қарорларига мувофиқ зарур ахборот, таҳлилий ва бошқа материалларни Комиссиянинг кўриб чиқиши учун тақдим этади;

жойларга чиқиб Комиссия қарорлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

Комиссиянинг қарорларини ижро этиш ҳолати тўғрисида ахборот йиғиладиган ва мунтазам равишда (бир ойда камида бир марта) Комиссия Раисига ахборот беради.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси Комиссия котиби ҳисобланади.

22. Комиссия котиби:

Комиссия йиғилишлари кун тартиби масалалари бўйича ўтказилишини ташкил этади;

барча зарур ҳужжатлар навбатдаги йиғилишга тўпланиши, умумлаштирилиши ва Комиссия Раисига тақдим этилишини таъминлайди;

Комиссия йиғилишига материалларни тайёрлаш юзасидан ишчи органга кўмаклашади;

Комиссия Раиси билан йиғилишнинг муддати ва жойини ҳамда таклиф этиладиган шахслар рўйхатини келишади;

Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларга йиғилиш ўтказиладиган сана, вақти, жойи тўғрисида хабар беради;

Комиссия қарорлари бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Комиссия йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Комиссия баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборади.

7-боб. Комиссия йиғилишига материалларни тайёрлаш тартиби

23. Кун тартиби масалалари бўйича Комиссия йиғилиши материаллари йиғилиш ўтказилишидан камида 20 кун олдин тайёрланади ҳамда кўриб чиқиладиган масалаларнинг моҳиятини, мавжуд муаммоларни очиб берувчи ахборот-таҳлилий материалларни ва бажаришнинг аниқ муддатлари, бажарувчилар, молиялаштириш манбалари ва моддий-техник таъминлаш, вазиятнинг салбий ривожланиши прогнози кўрсатилган ҳолда уларни ҳал этиш бўйича таклифларни; муаммонинг ҳолатини ва зарур моддий-техник ва молиявий ресурсларни ёрқин намоёиш қилувчи тақдимотни; кун тартиби масалалари бўйича Комиссия қарорлари лойиҳасини ўз ичига олади.

24. Комиссия қарорларини бажариш бўйича тақдим этилган материаллар ишчи орган томонидан кўриб чиқилади, у уларни навбатдаги йиғилиш-

да кўриб чиқиш учун расмийлаштиради, Комиссия йиғилиши кун тартибини тайёрлайди ва ҳужжатлар тўпламини Комиссия котибига тақдим этади.

25. Комиссия йиғилиши кун тартибининг ҳар бир масаласи бўйича ҳужжатлар тўпламида барча зарур ҳужжатлар ва Комиссия қарорининг лойиҳаси бўлиши лозим.

26. Комиссия котиби тақдим этилган материаллар ҳақида Комиссия Раисига ахборот беради, Комиссия раиси кун тартиби ва тақдим этилган материаллар маъқулланган тақдирда 7 кун олдин Комиссия йиғилиши ўтказиладиган санани, вақтини ҳамда йиғилишга таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

27. Комиссия котиби ишчи орган билан йиғилиш ҳужжатлари баённома лойиҳаси билан бирга Комиссия аъзоларига ҳамда, зарурат бўлганда, йиғилишга таклиф этилган бошқа шахсларга юборилишини таъминлайди.

28. Комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилишлари Комиссия ёки ҳудудий комиссиялар ишчи органининг махсус хабарномаси асосида Комиссия Раиси томонидан чақирилади.

Навбатдан ташқари йиғилишларни ўтказиш муддатлари Комиссия Раиси томонидан белгиланади ва унинг аъзоларига Комиссия котиби томонидан шошилинч тартибда етказилади.

Навбатдан ташқари йиғилишларда йиғилишлар ўтказилаётган пайтда фавқулодда вазият хавфи ёки юзага келиши тўғрисидаги мавжуд тезкор маълумотлар, шунингдек олдин расмийлаштирилган тегишли ахборот-таҳлилий материаллар кўриб чиқилади.

8-боб. Комиссия томонидан қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

29. Комиссия қарори унинг аъзоларининг фикрлари ва қарорлари умумлаштирилиши йўли билан коллегиял қабул қилинади.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинадиган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикри ва таклифини ёзма равишда ифодалашга ҳақлидир.

Комиссия аъзоларининг фикрлари ва таклифлари тенг бўлганда Раиснинг фикри ҳал қилувчи ҳисобланади.

30. Комиссия Раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида айрим масалалар бўйича Комиссия аъзолари билан сўров йўли билан келишилган Комиссиянинг қарорларини тасдиқлаши мумкин.

31. Комиссиянинг қарорлари Комиссия йиғилишининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Комиссия йиғилиши баённомасига унинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, котиб томонидан имзоланади, Комиссия Раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Комиссия аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

32. Комиссия йиғилишлари баённомаларининг асл нусхалари ва унга материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментида сақланади.

33. Комиссия қарорлари бажарилишини назорат қилиш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июлдаги 525-сон қарорига
2-ИЛОВА

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек уларнинг таркибига кирадиган шаҳарлар ва туманларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссияларининг (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Ҳудудий комиссиялар шахсий таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек уларнинг таркибига кирадиган шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланадиган коллегиял органлар ҳисобланади.

3. Ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Ҳудудий комиссияларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари тегишли маъмурий ҳудудда жойлашган давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиялари уларнинг таркибига кирувчи шаҳарлар ва туманларнинг ҳудудий комиссиялари фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради.

2-боб. Ҳудудий комиссияларнинг вазифалари

6. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига, потенциал хавfli объектларнинг ишончилигини оширишга, фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга раҳбарлик қилиш;

идоровий бошқарув органлари, кучлар ва воситалар фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлашда қатнашиш, объектларда фавқулодда вазиятларни бартараф этишда, шу жумладан объект ходимларини эвакуация қилишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун идоровий молиявий ва моддий ресурслар захиралари барпо этилишига, улардан фойдаланишга раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда жабрланган аҳолини, шу жумладан фавқулодда вазиятларни бартараф этишда бевосита иштирок этган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини назорат қилиш ва текшириш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиялари ва уларнинг аъзолари уларга юкланган вазифалар бажарилиши учун белгиланган тартибда жавоб берадилар.

7. Шаҳарлар ва туманлар ҳудудий комиссияларининг асосий вазифалари:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатларнинг зарари ва оқибатларини камайтириш тадбирларини амалга ошириш;

бошқарув органлари, кучлар ва воситаларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлашда иштирок этиш;

олдини олиш тадбирларига, қутқарув тузилмаларини сақлаб туриш ва таъминлашга, фавқулодда вазиятларни бартараф этишга ва жабрланганларга ёрдам беришга харажатларни қоплаш учун фойдаланиладиган молиявий ва моддий-техник ресурсларнинг захира фондларини ташкил этиш.

Шаҳарлар ва туманлар ҳудудий комиссиялари ва уларнинг аъзолари уларга юкланган вазифалар бажарилиши учун белгиланган тартибда жавоб берадилар.

3-боб. Ҳудудий комиссияларнинг функциялари

8. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиялари уларга юкланган вазифалар бажарилиши мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарорлари бажарилишини ташкил этадилар;
фавқулодда вазиятлар юзага келиши таҳдиди ва хавфи омиллари олдин-

дан аниқланишини, уларнинг ривожланиши кузатилишини, шунингдек аҳоли хавфсизлиги таъминланиши чораларини ташкил этадилар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар юзага келишининг мавжуд хавфларини тўлиқ бартараф этиш бўйича ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирлар комплексларини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадиладар;

иктисодиётнинг потенциал хавфли ва бошқа объектлари барқарорлигини таъминлаш масалаларини кўриб чиқадиладар ва уларнинг ишончилигини ошириш юзасидан вазифаларни белгилайдиладар;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар бажарилишининг ҳолати, бошқарув органлари, куч ва воситаларнинг фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳаракат қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ҳисоботларни эшитадиладар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқадиладар ва объектларда фавқулодда вазиятларни бартараф этишда ҳаракатлар мувофиқлаштирилишини таъминлайдиладар;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурсларнинг идоравий захиралари рўйхати ва ҳажмларини аниқлайдиладар;

фавқулодда вазиятларда жабрланган аҳолини, шу жумладан фавқулодда вазиятларни бартараф этишда бевосита иштирок этган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари режаларини ишлаб чиқадиладар ва амалга оширадиладар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича жойларда ишларни ташкил этадиладар ҳамда амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигини назорат қиладилар ва текширадиладар;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси қарорлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек унинг йиғилишини тайёрлаш учун ахборот-таҳлилий материалларни Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг ишчи органига белгиланган муддатларда тақдим этадиладар;

ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда юкланган вазифаларни бажариш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиладар.

9. Шаҳарлар ва туманларнинг ҳудудий комиссиялари уларга юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширадиладар:

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тегишли ҳудудий комиссияларининг қарорлари бажарилишини ташкил этадиладар;

фавқулодда вазиятлар юзага келиши таҳдиди ва хавфи омилларини олдиндан аниқлайдиладар, уларнинг ривожланишини кузатадиладар, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатларнинг зарари ва оқибатларини камайтириш чора-тадбирларини амалга оширадиладар;

шаҳарлар ва туманлар фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқадилар ҳамда объектларда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, шу жумладан аҳолини ва объект ходимларини эвакуация қилишда ҳаракатлар мувофиқлаштирилишини таъминлайдилар;

бошқарув органлари, кучлар ва воситаларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлашга амалий кўмаклашадилар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадларида молиявий ва моддий-техник ресурсларнинг захира фондлари барпо этилиши чораларини кўрадилар;

Ҳукумат комиссияси, шунингдек тегишли ҳудудий комиссиялар қарорлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳамда уларнинг йиғилишлари учун ахборот-таҳлилий материалларни бўйсунув бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссияларининг ишчи органига белгиланган муддатларда тақдим этадилар;

ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда юкланган вазифаларни бажариш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадилар.

4-боб. Ҳудудий комиссияларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиялари:

белгиланган тартибда топшириқлар бериш, ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур ахборотни сўраш;

йиғилишларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш;

олдинга қўйилган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек топширилган тадбирлар ўз вақтида бажарилмаганлиги ва сифатсиз бажарилганлиги учун интизомий чораларни кўллаш ҳуқуқига эга.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссиялари уларга юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг энг муҳим ва муаммоли масалаларини аниқлашга, шунингдек уларни ҳал этиш бўйича тадбирларни таъминлашга;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирлар ишлаб чиқарилиши ва амалга оширилишига, потенциал хавфли объектларнинг ишончлилигини оширишга, иқтисодий тармоқларининг фавқулодда вазиятларда фаолият кўрсатиши барқарорлигини таъминлашга раҳбарлик қилишга;

фавқулодда вазиятларда жабрланган аҳолини, шу жумладан фавқулодда вазиятларни бартараф этишда бевосита иштирок этган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга;

идоравий бошқарув органлари, куч ва воситаларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлаш, объектларда фавқулодда

вазиятларни бартараф қилишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш чораларини кўришга;

молиявий ва моддий ресурсларнинг давлат захираларини барпо этиш ишини ташкил этишга мажбурдир.

12. Шаҳарлар ва туманларнинг ҳудудий комиссиялари уларга юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирлари амалга оширилишини, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатларнинг зарари ва оқибатлари камайтирилишини таъминлашга;

бошқарув органлари, кучлар ва воситалар фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини оширишга амалий ёрдам беришга;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш ва жабрланганларга ёрдам бериш учун фойдаланиладиган молиявий ва моддий-техник ресурслар захираларини барпо этишга ва белгиланган нормаларда (турда ва миқдорда) сақлашга мажбурдир.

5-боб. Ҳудудий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш

13. Ҳудудий комиссияларга раислар бошчилик қиладилар, уларнинг ваколатига қуйидагилар киради:

ҳудудий комиссиялар йиғилишлари кун тартибини белгилаш ва чақириш;

кабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

ҳудудий комиссиялар аъзоларининг уларга юкланган вазифалар бажарилиши бўйича ишини мувофиқлаштириш;

ҳудудий комиссияларнинг самарали ишлаши самарадорлигини таъминлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

14. Ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятини доимий асосда ҳудудий комиссиялар йиғилишида кўриб чиқиладиган ва уларнинг раислари томонидан тасдиқланадиган йиллик режаларга мувофиқ амалга оширадилар.

15. Ҳудудий комиссиялар йиғилишлари заруратга кўра, бироқ бир йилда камида бир марта ўтказилади ва йиғилишлар қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

16. Зарурат бўлганда ҳудудий комиссияларнинг сайёр йиғилишлари ташкил этилиши мумкин.

17. Ҳудудий комиссиялар ҳар йили бўлажак йилда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш бўйича асосий тадбирлар режалари ишлаб чиқилишини ташкил этадилар, ўз йиғилишида кўриб чиқадилар ва тасдиқлаш учун тегишли маъмурий ҳудудлар фуқаро муҳофазаси бошлиқларига киритадилар.

18. Фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг реал хавфи туғилганда ҳудудий комиссиялар раислари томонидан навбатдан ташқари йиғилишлар чақирилиши мумкин.

19. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этиш со-

ҳасидаги тадбирлар бажарилиши ҳолатини назорат қилиш учун зарурат бўлганда ҳудудий комиссиялар томонидан ишчи гуруҳлар ташкил этилиши, шунингдек ушбу соҳада ҳудудий хизматлар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритилиши мумкин.

20. Ҳудудий комиссиялар йиғилишини раислар олиб борадилар, улар йўқлигида йиғилишни уларнинг ўринбосарлари олиб борадилар. Ҳудудий комиссиялар йиғилиши, агар уларда улар аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади.

21. Ҳудудий комиссиялар раислари билан келишилган ҳолда йиғилишда ҳолисона сабабларга кўра қатнаша олмайдиган комиссиялар аъзолари ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари қатнашиши мумкин.

6-боб. Ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари ва котиблари

22. Фавқулодда вазиятлар бўйича бошқармалар (шаҳар ва туман бўлимлари) ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

23. Ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари:

келгуси йилга ҳудудий комиссияларнинг иш режаси лойиҳаларини тайёрлайдилар;

ҳудудий комиссияларнинг навбатдаги йиғилишига барча ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайдилар;

ҳудудий комиссияларнинг қарорларига мувофиқ зарур ахборот, таҳлилий ва бошқа материалларни ҳудудий комиссияларнинг кўриб чиқиши учун тақдим этадилар;

жойларга чиқиб ҳудудий комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши мониторингини олиб борадилар;

ҳудудий комиссияларнинг қарорларини ижро этиш ҳолати тўғрисида ахборот йиғадилар ва мунтазам равишда (бир ойда камида бир марта) ҳудудий комиссиялар раисларига ахборот берадилар.

24. Қўйидагилар тегишли равишда ҳудудий комиссияларнинг котиблари ҳисобланадилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича бош мутахассислари;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари котибиятларининг бош мутахассислари.

25. Ҳудудий комиссиялар котиблари:

ҳудудий комиссиялар йиғилишлари кун тартиби масалалари бўйича ўтказилишини ташкил этадилар;

барча зарур ҳужжатлар навбатдаги йиғилишга тўпланиши, умумлаштирилиши ва ҳудудий комиссиялар раисларига тақдим этилишини таъминлайдилар;

худудий комиссиялар йиғилишига материалларни тайёрлаш юзасидан ишчи органга кўмаклашадилар;

худудий комиссиялар раислари билан йиғилишнинг муддати ва жойини ҳамда таклиф этиладиган шахслар рўйхатини келишадилар;

худудий комиссиялар аъзолари ва таклиф этилган шахсларга йиғилиш ўтказиладиган сана, вақти, жойи тўғрисида хабар берадилар;

худудий комиссиялар қарорлари бажарилиши мониторингини олиб борадилар ва унинг натижаларини худудий комиссиялар йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этадилар;

худудий комиссиялар баённомаларини расмийлаштирадилар ва тасдиқланган баённомаларни худудий комиссиялар аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборадилар.

7-боб. Худудий комиссиялар йиғилишига материалларни тайёрлаш тартиби

26. Кун тартиби масалалари бўйича худудий комиссиялар йиғилишлари материаллари йиғилишлар ўтказилишидан камида 20 кун олдин тайёрланади ҳамда кўриб чиқиладиган масалаларнинг моҳиятини, мавжуд муаммоларни очиб берувчи ахборот-таҳлилий материалларни ва бажаришнинг аниқ муддатлари, бажарувчилар, молиялаштириш манбалари ва моддий-техник таъминлаш, вазиятнинг салбий ривожланиши прогнози кўрсатилган ҳолда уларни ҳал этиш бўйича таклифларни; муаммонинг ҳолатини ва зарур моддий-техник ва молиявий ресурсларни ёрқин намоёйиш қилувчи тақдимотни; кун тартиби масалалари бўйича худудий комиссиялар қарорлари лойиҳасини ўз ичига олади.

27. Худудий комиссиялар қарорларини бажариш бўйича тақдим этилган материаллар ишчи органлар томонидан кўриб чиқилади, ишчи органлар уларни навбатдаги йиғилишда кўриб чиқиш учун расмийлаштирадилар, худудий комиссиялар йиғилиши кун тартибини тайёрлайдилар ва ҳужжатлар тўпламини худудий комиссиялар котибларига тақдим этадилар.

28. Худудий комиссиялар йиғилишлари кун тартибининг ҳар бир масаласи бўйича ҳужжатлар тўпламида барча зарур ҳужжатлар ва худудий комиссиялар қарорларининг лойиҳалари бўлиши лозим.

29. Худудий комиссиялар котиблари тақдим этилган материаллар ҳақида раисларга ахборот берадилар, раислар кун тартиби ва тақдим этилган материаллар маъқулланган тақдирда 7 кун олдин худудий комиссиялар йиғилиши ўтказиладиган санани, вақтини ҳамда йиғилишга таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

30. Худудий комиссиялар котиблари ишчи органлар билан йиғилиш ҳужжатлари баённома лойиҳаси билан бирга худудий комиссиялар аъзоларига ҳамда, зарурат бўлганда, йиғилишга таклиф этилган бошқа шахсларга юборилишини таъминлайдилар.

31. Худудий комиссияларнинг навбатдан ташқари йиғилишлари Фавку-

лодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ёки ҳудудий комиссиялар ишчи органларининг махсус хабарлари асосида раислар томонидан чақирилади.

Уларни ўтказиш муддатлари ҳудудий комиссиялар раислари томонидан белгиланади ва уларнинг аъзоларига ҳудудий комиссиялар котиблари томонидан шошилиш тартибда етказилади.

Навбатдан ташқари йиғилишларда улар ўтказилаётган пайтда фавқулодда вазият хавфи ёки юзага келиши тўғрисидаги тезкор маълумотлар, шунингдек олдин расмийлаштирилган тегишли ахборот-таҳлилий материаллар кўриб чиқилади.

8-боб. Ҳудудий комиссиялар томонидан қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

32. Ҳудудий комиссиялар қарорлари уларнинг аъзоларининг фикрлари ва қарорлари умумлаштирилиши йўли билан коллегиял қабул қилинади.

Ҳудудий комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинадиган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикри ва таклифини ёзма равишда ифодалашга ҳақлидир.

Ҳудудий комиссиялар аъзоларининг фикрлари ва таклифлари тенг бўлганда раисларнинг фикри ҳал қилувчи ҳисобланади.

33. Ҳудудий комиссиялар раислари қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида айрим масалалар бўйича ҳудудий комиссиялар аъзолари билан сўров йўли билан келишилган ҳудудий комиссияларнинг қарорларини тасдиқлаши мумкин.

34. Ҳудудий комиссияларнинг қарорлари ҳудудий комиссиялар йиғилишининг баённомалари билан расмийлаштирилади. Ҳудудий комиссиялар йиғилиши баённомаларига уларнинг барча аъзолари томонидан виза қўйилади, котиблар томонидан имзоланади, ҳудудий комиссиялар раислари томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда ҳудудий комиссиялар аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

35. Ҳудудий комиссиялар йиғилишлари баённомаларининг асл нусхалари ва уларга материаллар тегишли равишда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича бош мутахассисларида;

шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарларининг котибиятларида сақланади.

36. Ҳудудий комиссиялар қарорлари бажарилиши устидан назорат қилиш ишчи органлар томонидан амалга оширилади.